

## ДНК ва бармоқ изларининг бетакрор мўъжизалари



18:00 / 08.06.2021 2280

Инсон танасидаги энг улкан илоҳий мўъжизалардан бири, бу ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) ҳамда бетакрор бармоқ изларидир. Ер юзида яшайдиган жамики инсонларда бирининг бармоқ изи бошқасиникида топилмайди, ҳатто ўхшаши учрамайди ҳам.

Агар бир рассомни фараз қилиб кўрсак, у йигирмата кишининг бармоқ изини чизишга киришса, у ўта жумбоқ бўлгани сабаб уни аниқлик билан чизишга қурби етмайди.

Эй инсон! Сен (бошқа ҳар бир инсон каби ўзингга хос бўлиб) ажралиб турасан. Роббимиз инсон жисмида шундай содда нарсани яратиб, мўъжиза бўлишини ирода қилди. Лекин бу яшириб, шифрлаб қўйилган мўъжиза сен

ўйлаганингданда мураккаброқдир.

Аллоҳ таоло Зарият сурасининг 21-оятда:

«(Эй инсонлар) **ўзларингизда** (ушбу ҳаётга келиб-кетишингиздан тортиб, вужудларингиздаги ҳар бир аъзойингизда, балки ҳар бир ҳужайрангизнинг нақадар нозик тартиб-интизом билан яратилиб, ўз ўрнига жойлаштирилганида ва ўз зиммасидаги Яратган буюрган вазифани қулоқ қоқмасдан адо этиб боришида) **ишонгувчи зотлар учун** (Аллоҳнинг кудратига далолат қиладиган) **оят-аломатлар бордир. Ахир кўрмайсизларми?!**» деб айтган.

Қиёмат сурасининг 4-оятда: «**Йўқ, Биз унинг бармоқларини** (ҳам) **тиклаб-жойига келтиришга Қодир бўлган Зотдирмиз!**» деб айтган.

**Изоҳ:** Аллоҳ таоло Қиёмат Кунда ҳар бир инсоннинг бармоқларигача тиклаб, асл ҳолига келтириши ҳақида хабар берилмоқда. Шундай кичик нозик бармоқларни тиклашга Қодир бўлган Зот бошқа суяк-сўнгаларни ҳам тиклай олиши шубҳасиздир. Чунки дунёдаги ҳеч бир кишининг бармоқ изи иккинчи кишининг бармоқ изига ўхшамайди. (Бу ҳақиқатни илм-фан ўрганиб, исботлашидан неча аср илгари Қуръони Карим бир оғиз сўз билан айтиб қўйганининг ўзи барча инсонни ҳар бир бармоғигача яратган ҳам, ушбу азиз Китобни юборган ҳам Ёлғиз Аллоҳ эканига очиқ далолатдир)!

Холиқ (мутлақ вужудга келтирувчи) ва Мубдиъ (асос солувчи) Зот покдир!

**Манба: arabic.uz**